


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**5310600- Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль
транспорти) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги;
- Тошкент давлат транспорт университети

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» _____ 08 _____ даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» _____ 08 _____ даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

4. ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ.

Мазкур Малака талаби 310000 – Муҳандислик иши таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

| Т/р | бет |
|---|-----|
| 1. 5310600- <i>Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи | 4 |
| 1.1. Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.1.1. 5310600- <i>Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)</i> таълим йўналиши Малака талабларининг қўлланилиши | 4 |
| 1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари..... | 4 |
| 1.2. 5310600- <i>Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи..... | 4 |
| 1.2.1. 5310600- <i>Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари..... | 4 |
| 1.2.2. 5310600- <i>Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари..... | 5 |
| 1.2.3. 5310600- <i>Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари..... | 5 |
| 1.2.4. 5310600- <i>Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари..... | 5 |
| 1.2.5. 5310600- <i>Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)</i> таълимни давом эттириш имкониятлари..... | 7 |
| 2. 5310600- <i>Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... | 7 |
| 2.1. Умумий компетенциялар..... | 7 |
| 2.2. Касбий компетенциялар..... | 7 |
| 2.3. Касбий квалификациялар..... | 8 |
| 3. 5310600- <i>Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар..... | 8 |
| 3.1. Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар..... | 8 |
| 3.2. 5310600- <i>Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми | 11 |
| Библиографик маълумотлар..... | 12 |

1. 5310600 - Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

5310600 - *Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль ёки рейтинг тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йилни ташкил қилади.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 5310600 - Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 5310600 - *Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5310600 - Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 5310600 - Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5310600 - *Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)* бакалаврият таълим йўналиши – фан ва техника жабҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, у автомобиль транспорти воситаларини ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг самарали жараёнларини ҳамда уларга инновацион технологияларни қўллашга йўналтирилган методлар ва воситалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшимча ва ўзгартирилган мумкин.

1.2.2. 5310600 - Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

–автомобиль транспорти, уларни ишлаб чиқариш, фойдаланиш, техник сервис кўрсатиш, таъмирлаш соҳасида муҳандислик ҳисоблар, моделлаштириш, алгоритмлар ва математик таъминотини ишлаб чиқиш;

– илмий-тадқиқот жараёнлари;

– автомобиль транспорти соҳасида ишловчи ходимларни бошқариш, технологик жиҳозлар ва уларнинг эксплуатацияси, ахборот таъминот тизимлари ва воситалари, автотранспорт воситасининг иш қобилиятини тиклаш ҳамда уларни ишлатишнинг самарали жараёнлари;

– автомобиль транспорти тармоқ корхоналарининг технологик жараёнлари.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.3. 5310600 - Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

– илмий-тадқиқот;

– лойиҳавий-конструкторлик;

– фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;

– ишлаб чиқариш ва таъмирлаш;

– ташкилий-бошқарув.

1.2.4. 5310600 - Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

5310600 - Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

– автомобиль транспортдан фойдаланиш ишларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда, улардан фойдаланиш ҳамда техник воситаларни, тизимларини, жараёнларини, жиҳозлар ва материалларни стандартлаштириш билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш;

– автомобиль транспорти эксплуатациясини тадқиқ қилишда намунавий методикалар ва техник воситаларни қўллаш олиш;

– автомобиль транспорти эксплуатацияси соҳасидаги хорижий ва махсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;

– илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– замонавий мавзулар (топшириқлар) бўйича илмий техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этишда қатнашиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

– автотранспорт воситалари ва технологик жиҳозларнинг қисмлари, деталлари ва йиғма бирикмаларининг лойиҳасини тизимли ёндашув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқишни такомиллаштириш;

– автомобиль транспорти соҳасида тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қила олиш;

– автотранспортдан фойдаланиш жараёнида лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш;

– автотранспорт воситалари ва технологик жиҳозларни ишчи қисмлари параметрлари ва ишлаш қобилиятини замонавий ҳамда хорижий усуллар билан диагностикалаш, синовларни ўтказиш;

– амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий методологияларини, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш;

– автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва қайта тиклаш технологияларидан фойдалана билиш;

– транспорт воситалари ва технологик жиҳозларнинг тузилиши, технологик иш жараёнлари, созлаш технологиялари, ишга тайёрлаш ва улардан фойдалана олиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Фойдаланиш ва сервис хизмат кўрсатиш фаолиятида:

– автотранспорт воситалари ва уларнинг агрегат, механизм, тизимлари ҳамда технологик жиҳозлардан фойдаланиш, уларга техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш;

– автотранспорт воситалари ва уларнинг агрегат, механизм, тизимлари ҳамда технологик жиҳозларига техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича замонавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;

– автотранспорт воситалари ва уларнинг агрегат, механизм, тизимлари ҳамда технологик жиҳозларни синаш, диагностикалаш ва камчиликларни бартараф эта билиш;

– жаҳон тажрибалари асосида автомобиль транспорти эксплуатацияси технологик ишчи жараёнлари моделларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда ҳисоблаш воситаларидан фойдалана билиш;

– автомобиль транспорти эксплуатацияси жараёнида ишлатиладиган замонавий асбоб, ускуна, жиҳозларни билиш ва уларни амалда қўллай олиш;

– автотранспорт воситаларига техник сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш иш сифати кўрсаткичларини аниқлаш, баҳолаш, хулосалар шакллантириш қобилиятларига эга бўлиш;

– инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш бўйича ҳамда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ишлаб чиқариш ва таъмирлаш фаолиятида:

– автомобиль транспорти эксплуатацияси бўйича рационал технология ва технологик жиҳозларни танлаш, намунавий технологик хариталарни ишлаб чиқиш; автотранспорт воситаси ишчи қисмлари ва деталларини лойиҳалаштириш, конструкциясини ишлаш; уларни йиғиш, созлаш, ростлаш ишларини режалаштириш ва бажаришни ташкиллаштиришни ҳамда чет эл дастурлари билан фойдаланиб компьютерда лойиҳалашни билиш;

– намунавий техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш ишларига технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– автотранспорт корхоналари ишини ташкил этишда технологик жараёнларни бажариш, маромига етказиш ва ўзлаштириш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш қобилиятига эга бўлиш;

– илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш бўйича ҳамда меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича усул ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида

– автотранспорт воситалари ва технологик жиҳозларга техник сервис хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси, техник воситалардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш;

- ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазасига, ёнғинга, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

1.2.5. 5310600–Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) таълимни давом эттириш имкониятлари

5310600–Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган муҳандислик иши таълим соҳаларини қамраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатларда ўқишни давом эттириши мумкин.

2. 5310600 - Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш қўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш қўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- корпоратив ахборот тизимларини, статистик таҳлил ва ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;

- соҳада бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- соҳада рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;
- автомобиль транспортдан фойдаланишни ташкил этиш, уларга техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича рационал технология ва технологик жиҳозларни танлаш, намунавий технологик хариталарни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- автотранспорт корхоналари фаолиятини ташкил этишда технологик жараёнларни бажариш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш қобилиятига эга бўлиш.

2.3. Касбий квалификациялар:

авторанспорт соҳаси корхоналарида раҳбар, бош муҳандис, бош механик, моддий техник таъминот бўйича бош мутахассис, янги техника ва технология бўйича муҳандис, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш таъмирлаш муҳандиси, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича бош мутахассис, кадрлар тайёрлаш бўйича бош мутахассис, транспорт бўйича муҳандис, автомобиль транспорти эксплуатацияси бўйича муҳандис, синовчи-муҳандис, мастер квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

3. 5310600 – Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5310600 – Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашни таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль ҳамда рейтинг тизимлари асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллари, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

Табиий-илмий ва гуманитар фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

умумий ўрта ва касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatга олган ҳолда ахборот технологиялари ва жараёнларни математик моделлаштириш, ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг металлларга босим билан ишлов бериш соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий ва илмий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

табиий-илмий фанларнинг асосий қонунларидан фойдалана олиши, математик анализ ва моделлаш, назарий ва экспериментал тадқиқот методларини қўллай олишни шакллантириши;

мантқиқий фикрлашни ривожлантириши, муҳандислик масалаларини қўйиш ва математик усуллардан фойдаланиб ечимларни топа билиши, тадқиқий муҳандислик

масалаларини математик моделлаштириши ва ечиши, олий математикага доир адабиётлардан мустақил фойдаланиши;

информацияни олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг асосий методлари, усуллари ва воситаларидан фойдаланишни эгаллаган бўлиши;

саноқ тизимларида ишлаши, компьютернинг ички ва ташқи қурилмалари, Windows амалиёт тизимида папка ва файллар яратиши, улар устида амаллар бажариши, MS Word, MS Excel, MS Power Point, MS Access дастурларида ҳужжат яратиши ва қайта ишлаши, компьютер тармоқларида ишлаши, улардан ўзига керакли маълумотларни излаши ва фойдаланиши, ўз маълумотларини узатиши, объектга йўналтирилган дастурлаш тили ёрдамида чизиқли, тармоқланишли, такрорланишли ва мураккаб жараёнларни дастурлаштиришни эгаллаган бўлиши;

физикавий моделларни тадқиқ қилиш; ишлаб чиқариш жараёнларида ва техникавий объектларда энг оддий физикавий тизимларнинг моделларидан фойдаланиш; физика фанининг турли бўлимларига характерли бўлган қийматларнинг сонли тартибини ўлчаш ва баҳолашни эгаллаган бўлиши;

кимёвий тажрибаларни бажаришда керакли ускуна, реактив ва жиҳозлардан фойдалана олиши;

ишлаб чиқариш технологиялари таълим соҳаси учун зарур бўлган математик ва табиий-илмий фанларнинг назарий ва илмий асосларини шакллантириши лозим.

Умумқасбий фанлар блоқи бўйича:

ихтисослик фанларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

умумқасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши;

умумқасбий вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;

автомобиль транспортининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш, унинг асосий иш кўрсаткичлари, тавсифи ва унинг транспорт тизимидаги ўрни, автотранспорт воситалари ва уларнинг тузилиши, автотранспорт хўжалиги, техник ҳолатни сақлаш билан боғлиқ бўлган ишларни ташкил қилишда технологик жараёнларнинг узвийлиги, янги техникаларни қўллаш услублари бўйича фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

муҳандислик ва компьютер графикаси бўйича конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими ва Давлат стандарти талаблари асосида муҳандислик объектларининг чизмаларни тузиш ва ўқиш кўникмаларига эга бўлиши; давлат стандартлаштириш тизими ва конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими талаблари асосида муҳандислик чизмаларни тузиш тартиби ва қоидаларини; йиғиш чизмаларини ўқиш ва деталларга ажратиш талабларини; йиғиш чизмаларини бажариш талабларини билиши ва улардан фойдалана олиши;

материалшуносликнинг фундаментал асослари, конструкцион материаллар технологияси бўйича зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

назарий механика ва материаллар қаршилиги бўйича жисмларнинг мувозанат тенгламалари, механиканинг асосий қонунлари, теоремалари, принциплари, ҳаракатнинг устиворлиги ва барқарорлиги, механик системанинг ҳаракати ва мувозанатини билиши. ҳаракат содир бўлаётган фазо ва унинг хоссаларини ҳамда ишлаб чиқариш технологик жараёнларига энг содда физик ва математик моделларни қуриш ва бу моделлар асосида технологик жараённи барқарорлигини таъминлаши, конструкция ва конструкция элементларини мустаҳкамликка, бикрликка устиворликка ва чидамликка ҳисоблашни билиши;

машина ва механизмлар назарияси ва машина деталлари бўйича механизмларни оптимал параметрларини аниқлаш; конкрет механизмларни ҳисоблашда компьютерда ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш; машина ва механизмларнинг кинематик ва динамик параметрларини аниқлашда ўлчов асбоб-ускуналаридан фойдаланиш. кўникмаси шаклланган бўлиши; юритмаларни тузиш, узатмаларни кинематик ҳисоблаш, узатма, вал

ва ўқлар, подшипниклар ва бирикмаларни ишчанлик қобилияти бўйича лойиҳаловчи ва текширувчи ҳисобларни бажариш кўникмаси шаклланган бўлиши; темир йўл транспорти соҳаларида ишлатиладиган детал, заготовка, узел ва бошқалар учун билимларга асосланган ҳолда талабалар материаллар танлаб олиш; қуймакорлик, босим остида, пайвандлаб заготовка тайёрлаш, уларга металл кесиш дастгоҳларида, электрфизикавий усулларда ишлов бериш, ҳамда деталлар ишчи юзаларини пухталаш усулларини қўллаб олиш кўникмаси шаклланган бўлиши; модели тасаввурларни, тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши;

электротехника ва электроника фанини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

метрология ва стандартлаштириш фанини бўйича прокатлаш ва механик ишлов бериш технологик жараёнларини лойиҳалаш, ўлчамлар занжирларини ҳисоблаш, технологик жараёнларнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш кўникмаси шаклланган бўлиши; темир йўл транспорти саноати ишлаб чиқариш маҳсулотлари сифатини ва самарадорлигини ошириш масалаларини мустақил ечиш, ўзаро алмашувчанликнинг асосий принципларини қўллаш кўникмаси шаклланган бўлиши;

ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бўйича хавфсизликни таъминлаш тамойиллари, услублари ва воситаларини таҳлил қилишни; фаолиятнинг хавфсиз шароитларини лойиҳалашни; ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенасини; ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий талабларини билиши; ишлаб чиқариш тармоқларида хавфсиз иш шароитини ташкил этишни; зарарсиз иш шароитини таъминловчи умумий ва шахсий ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

иссиқлик техникасини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

автомобилларининг электр жиҳозлари ва электрон тизимлари фани бўйича электр жиҳозларининг автомобилларни ишончли ва самарали ишлатишда, уларнинг экологик хавфсизлигини таъминлашдаги тутган ўрни ва аҳамияти, ҳозирги замон автомобилларининг электр таъминоти, ишга тушириш, ўт олдириш, ёритиш ва дарак бериш, ахборот-диагностик ва электрон бошқариш тизимларига тааллуқли асбобларнинг тузилиши, ишлаши ва уларга хизмат кўрсатиш асосларини билиш, электр жиҳозларнинг ривожланиш истиқболларини, уларда электр жиҳозларини синаш ва олинган натижаларга кўра асосли хулосалар чиқариш бўйича кўникмаларга эга бўлиши;

тармоқ иқтисодиёти ва менежмент бўйича корxonани бошқариш асосларини; корxonани бошқаришдаги иқтисодий-математик усулларини; бошқарувчи ходимларни шакллантириш жараёнини; корxonанинг ҳаёт циклини билиши ва улардан фойдалана олиши;

Гидравлика ва гидравлик юритмалар фани бўйича суюқликлар мувозонати қонуниятини ва уларнинг қаттиқ жисмлар билан ўзаро таъсирини билиш, уларни суюқлик механикаси мезонларини билиш, улардан гидроюритмалар ва гидромашиналарни ишлаб чиқишда фойдаланиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

Экология фани бўйича инсон билан табиат ўрасидаги экологик, ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлани халқаро ва минтакавий доирада табиатдан оқилона фойдаланиш билиш, табиий атроф мухитни муҳфаза қилишнинг асосий технологияларидан фойдаланишни билиш;

талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиш лозим.

Иқтисослик фанлар блоки:

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши;

касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши;

муҳандисча фикрлашни ривожлантириши ва ўз соҳасидаги муҳандислик масалаларини мустақил режалаштириб ечишга қодир бўлган бакалаврни тайёрлаши;

Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналишидаги объектлар ва жараёнларни, жумладан амалий дастурлар пакетларини ва математик моделлаштиришнинг элементларини қўллаб, тадқиқот қилиш қобилиятини шакллантиришга кўмаклашиши;

талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Танлов фанлар блоки:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5310600 – Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| Ўқув даврлари | Кундузги таълим шакли учун* | Кечки таълим шакли учун* | Сиртки шакли таълим учун* |
|-------------------------------------|-----------------------------|--------------------------|---------------------------|
| Назарий ва амалий таълим* | 40-60% | 40-60% | 40-60% |
| <i>Шу жумладан, мустақил таълим</i> | - | 15-35% | 25-45% |
| Аттестация | 6-8% | 6-8% | 6-8% |
| Таътил | 10-30% | 10-30% | 10-30% |
| Малакавий амалиёт | 8-30% | 8-30% | 8-30% |
| Битирув малакавий иши | 2-3% | 2-10% | 2-10% |

5310600–Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналишининг фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланди:

| | |
|----------------------------------|------------|
| гуманитар ва табиий-илмий фанлар | – 25,9 %; |
| умумкасбий фанлар | – 33,8 % |
| ихтисослик фанлар | – 34,7 %; |
| қўшимча фанлар | – 5,6 %. |
| Жами | – 100,0 %. |

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 15 ҳафта қилиб белгиланди.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, таълимда ахборот технологиялари, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёни, автотранспорт воситалари, технологик жиҳозлари, ички ёнув двигателлари, машиналар узатмалари, ишчи жиҳозларини бошқариш тизимлари, юриш қисмлари, иш жараёнини жадаллаштириш, трансмиссия, рул бошқармаси, кўприк, ғилдираклар оралиғи, база, тиркама, гидравлик узатмалар, тормозни синаш, техник хизмат кўрсатиш, жорий таъмирлаш, деталларни иш қобилиятини тиклаш, автомобиль транспорти, йўл қурилиш машиналари, эксплуатацион хусусиятлар, автотранспорт воситаларининг иш қобилияти кўрсаткичлари, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизими, кафолатли техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, ҳаракат турғунлиги ва бошқарувчанлик, ҳаракат равонлиги, техник эксплуатация тизими; автотранспорт воситаларининг ишончилиги ва диагностикалаш, эксплуатацион материаллар, эҳтиёт қисмлар.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор _____ О.Абдурахманов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари _____ А.Мирзаев

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ
этиш маркази

Директор _____ З.Хақимов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети








Ректор _____ проф. С.Турабжонов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



**5310600- Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти)
бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув
режасини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ таркиби**

| Т/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|------------------|---|--|---|
| 1 | Ибрагимов Б.Д. | Автомобиль транспорти муҳандислиги факультети декани |  |
| Аъзолари: | | | |
| 2 | Мўминжонов Н.М. | “Автомобиль ва автомобиль хўжалиги” кафедраси доценти, т.ф.н. |  |
| 3 | Мухитдинов А.А. | “Транспорт воситалари муҳандислиги” кафедраси профессори, т.ф.д. |  |
| 4 | Абдазимов А.Д. | Тошкент давлат техника университети “Ерусти транспорт тизимлари” кафедраси профессори, т.ф.д. |  |
| 5 | Махкамов Х.М. | “Тошавтотаъмирхизмаг” раҳбари |  |
| 6 | Тожибоев А.А. | “Автомобиль ва автомобиль хўжалиги” кафедраси доценти, т.ф.н |  |
| 7 | Тоғаев А. | “Машиналар технологик ишончилиги” кафедраси мудири PhD, доцент |  |

Ўқув ишлари
бўйича проректор



А.А.Гуламов

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалаврият таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмоличларининг бакалаврият таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

| Бакалаврият таълим йўналиши | | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|-----------------------------|--|---|
| Шифри | номи | |
| 5310600 | Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти) | <p>Касбий фаолиятнинг соҳалари:</p> <p>бакалаврият таълим йўналиши – фан ва техника жабҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, у автомобиль транспорти воситаларини ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг самарали жараёнларини ҳамда уларга инновацион технологияларни қўллашга йўналтирилган методлар ва воситалар мажмуасини қамраб олади.</p> <p><i>Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин.</i></p> <p>Касбий фаолиятнинг объектлари:</p> <p>–автомобиль транспорти, уларни ишлаб чиқариш, фойдаланиш, техник сервис кўрсатиш, таъмирлаш соҳасида муҳандислик ҳисоблар, моделлаштириш, алгоритмлар ва математик таъминотини ишлаб чиқиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> – илмий-тадқиқот жараёнлари; – автомобиль транспорти соҳасида ишловчи ходимларни бошқариш, технологик жиҳозлар ва уларнинг эксплуатацияси, ахборот таъминот тизимлари ва воситалари, автотранспорт воситасининг иш қобилиятини тиклаш ҳамда уларни ишлатишнинг самарали жараёнлари; – автомобиль транспорти тармоқ корхоналарининг технологик жараёнлари. <p><i>Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши назарда тутилади.</i></p> <p><i>Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.</i></p> <p>Касбий фаолиятнинг умумий малака талаблари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш; - ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш |

| | | |
|--|--|--|
| | | <p>ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш; - корпоратив ахборот тизимларини, статистик таҳлил ва ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш; - соҳада бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш; - соҳада рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш; - лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш; - бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш; - автомобиль транспортдан фойдаланишни ташкил этиш, уларга техник сервис кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича рационал технология ва технологик жиҳозларни танлаш, намунавий технологик хариталарни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш; - автотранспорт корхоналари фаолиятини ташкил этишда технологик жараёнларни бажариш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш каби билим ва кўникмаларига эга бўлиши керак. |
|--|--|--|

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт
вазирлиги ҳузуридаги “Ўзавтотранстехника”
илмий ишлаб чиқариш маркази Бош
директори ўринбосари**

**“Автомобиль ва автомобиль хўжалиги”
кафедраси мудири**



Ш. Эрбеков

С. Нарзиев

Тошкент давлат транспорт университети томонидан бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари, ўқув режаларини ишлаб чиқувчилари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ _____ ” _____ 2020 й.

Тошкент давлат транспорт университети (ТДТУ)- кадрлар тайёрловчи бир томондан, кадрлар истеъмолчилари ва турдош олий таълим ташкилотлари иккинчи томондан бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлар учун ТДТУ профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган малака талаблари ва ўқув режалари мазмуни ва таркиби билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

Бакалаврият таълим йўналишлари:

1. 5310600 – Транспорт воситалари муҳандислиги (автомобиль транспорти);
2. 5620600 – Автомобиль сервиси;
3. 5310600 – Транспорт воситалари муҳандислиги (кўтариш-ташиш ва йўл қурилиш машиналари);
4. 5312700 – Интеллектуал муҳандислик тизимлари (автомобиль транспорти).

Магистратура мутахассисликлари:

1. 5A310601- Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (автомобиль транспорти);
2. 5A310601 – Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари(йўл қурилиш машиналари);
3. 5A310601 – Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари);
4. 5A310604-Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги;
5. 5A310605 – Ички ёнув двигателларини синаш ва улардан фойдаланиш;
6. 5A310607 – Автотранспорт воситаларини синаш;
7. 5A310609 – Интеллектуал транспорт тизимлари.

Юқоридаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларида Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тизимидаги турдош Олий таълим ташкилотлари мутахассислари ва кадр истеъмолчиларининг билдирган фикр ва таклифлари инобатга олинган.

Шунингдек, малака талабларини ишлаб чиқилишида: Ўзбекистон Республика Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ўқишга қабул қилишининг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувининг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларининг аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РАИ/20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимида ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғи белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим соҳасини тартибга

солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, шу билан бирга халқаро тажрибаларга мувофиқ кредит-модуль тизими асосида ишлаб чиқилган.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари томонидан муҳокамадан ўтказилиб, келишилди.

Юқоридаги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талабларни ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт
